

ЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 111 (2375)

1991 ЙИЛ 14 СЕНТЯБРЬ

ШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

ҚУНИ НОБУД ҚИЛДИ

Тунги соат тўртларда Нишон тумани ҳудудида номаълум ҳайдовчи юк машинасини бошқариб бораётган йўлда ҳайдаб кетилган қўй подасига урилди. Воқеа 22 бош қўйнинг нобуд бўлиши ҳамда қондабузарнинг қочиб қолиши билан якун топди.

ТҶИ ЭҒАСИНИ ПИЧОҚЛАШДИ

6 сентябрь куни Паркент туманидаги «Чотқол» давлат хўжалиги ишчиси 26 ёшли О. Тўртбоев тўйида жанжал чиқди. Ур-сур пайтида номаълум кишилар унга ва яна уч кишига пичоқ уришди. Тўй иштирокчилари касалхонага ётқизилдилар.

ҚОЗОНХОНА ПОРТЛАДИ

Фарғона шаҳрининг 4-ҳамомидаги қозонхона портлади. Чўмилётганлар шикастланмадилар. Қозонхона оператори эса жароҳат олиб, шифохонага тушди. Ҳаммом биносига жиддий зарар етгани йўқ. Дастлабки текшириш газ босими меъёрдан ортиб кетганлиги фавқулодда ҳолатни вужудга келтирганини кўрсатди.

БОШ МУҲАНДИС ҒАЗАБИ

Сирдарё шаҳар ИИБ тиббий ҳушёрхонасига мастлиги учун келтирилган «Ўзбексув-хўжалиги» илмгоҳи бош муҳандиси (ўзини шундай деб таништирган) В. Илюшин қаршилик кўрсатиб, кайф гаштини суришга ҳалақит берган ҳушёрхона ходими милиция сержанти Ф. Худойшукуровни калтаклади.

Ғ. ЖҶРАЕВ.

МУНТАЗАМ ЎҚИБ БОРАМАН

Ҳурматли «Постда» рўзномаси таҳририяти ходимлари!


Авалло танишиб олайлик: мен Қўқон шаҳрида яшайман. Ёшим 77 да.

Мана, салкам 60 йилдирки, кундалик матбуот билан мунтазам танишиб боришга ҳаракат қиламан. Бирортасини ҳам эътибордан четда қолдирмайман.

Рўзномаларингизнинг қайта тикланиши жуда улуг ва савоб иш бўлди. Унда берилган ранго-ранг материаллар, қизиқарли суратлар жуда маъқул. Сизларнинг хизматларингиз туфайли жумҳуриятда жиноятчиликнинг умумий аҳволи қанақа эканлигидан воқиф бўляпмиз. Қолаверса, милиция ходимлари фаолиятдан ҳам огоҳмиз. Бунинг учун сизларга катта раҳмат. Агар келгуси йилда ҳам танлаган йўлдан қайтмасангизлар, суръат ва изланишни сусайтирмасангизлар, мен ҳам доимий мухлисларингиз сафида қоламан.

Сизларга узоқ умр, сihat-саломатлик ва ижодларингизга барака тилаб қолувчи:

Носиржон ПОЧЧАБОВ
ўғли.



Бука тумани ИИБ раҳбарлари бундан беш йил олдин милиция капитани Бурҳон Пардаевни участка вакили қилиб тайинлаб, янгиликлар эканлар. Қадимдан ўт чақнайдиغان бу йигит кабинетда кам ўтирадиган, кўп вақтини турли ташкилот ва хўжаликлар жамоалари ҳузурида ўтказадиган одат чиқарди. Агар бирорта қонунбузарлик юз берса, у каттами, кичикми, барибир, фoш этмагунча тинчимайди.

— Касални даволашдан кўра, унинг олдини олиш қулайроқ ҳамда осонроқдир, — дейди у. Бурҳоннинг тиниб-тинчимаслиги ўз самарасини кўрсатди. Унинг участкаси ҳудудида оператив вазиятнинг барқарорлиги таъминланди. Ўзи эса катта участка вакили деган номга сазовор бўлди.

Суратда: Б. Пардаев пахта тозалаш заводи ишчилари даврасида.
Сурат жуаллифи Ҳ. ШОДИЕВ.

ТАШАККУРИМНИ ЕТКАЗИНГ

Ҳурматли муҳарририят! Шў йилнинг 4 август куни Фарғона шаҳридаги деҳқон бозорига келиб картошкани харид қилдим. Деҳқонга пулини берай деб қиссамга қўл тиқсам, катмоним йўқ. Сотувчидан уэр сўраб, милиция пунктига югурдим. У ердагиларга воқеани баён этдим.

Милиция ходимлари баъзи тафсилотларни суриштириб, чиқиб кетишди. Орадан ярим соатлар вақт ўтди. Улар ёш йигитни келтиришди. Кисавурнинг ёнидан менга тегишли техпаспорт, уруш қатнашчиси гувоҳнома-си ва 77 сўм пулим чиқди. Хурсанд бўлганимдан шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари шаҳар ноиб, милиция капитани Б. Адҳамовга учрашиб, унинг қўл остидаги ходимларига миннатдорчилик билдирдим. Шунингдек, милиция участкаси бошлиғи милиция майори Ғафур Йўлдошев, катта лейтенант Ғайратбек Усмонов, лейтенантлар Улуғбек Оллобердиев, Тоҳир Мелибоевларга рўзномангиз орқали ташаккуримни етказсангизлар.

Сафо ВАФИН,
Улуғ Ватан урушининг II-гуруҳ ногирони.

ЭРТАГА — УРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

КўНГИЛОЧАР ЭРМАК БЎЛМАСИН

Чирчиқ ўрмон хўжалиги 56 минг 012 гектар майдонни ўз ичига қамраган. Асосан бодомзор, арчазор, ёнғоқзорлардан иборат бўлиб, биринчи тоифадаги ўрмон ҳисобланади.

Бебаҳо мулкимизни асраш ва кўпайтириш ўн беш ўрмончи, икки егернинг зиммасида. Улар эрта тонгдан қоронгу тушгунча ниҳол, гиёҳ, дарaxтларни кўздан кечирришади. Ундаги сақланиб қолган жониворларнинг тақдирлари ҳам ана шулар қўлидадир.

Кейинги икки йил ичида бу маконда бирорта браконьерликка йўл қўйилмаган. Йил бошида иккита ов милтиғи ИИБга топширилди. Уғри овчилар уларни ўрмончи сезиб қолганида ташлаб қочгандилар.

Мазкур хўжаликка 1947 йили ўрмончи бўлиб ишга кирган Рисқим Мирзапоев меҳнат фаолияти даврида жуда кўп воқеаларнинг шоҳиди бўлган.

— Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Шунга қарамай табиат эҳсонларини — унинг ўсимликларини ҳайвонларини асраш, кўпайтириш керак эди. Айниқса, ўша пайтда мевалар, доривор гиёҳлар одамлар жонига оро кирганди-да. Ҳозир ҳам шундай. Тепаликларга кўчатларни елкамизда кўтариб олиб чиқардик. Экиб қўйиб, хотиржам ўтирмасдик. Ҳар куни хабардор бўлиб турардик. Эҳ, у кунлар! Қандай қийинчиликларни кўрмасдик. Ҳаммага оғир эди.

Оқтошсой ҳам жуда катта эди. Қирғоғи бўйлаб тўртта тегирмон жойлашганди. Тогдан бодом, pista, ёнғоқ, дўлана териб тушиб, бир товоқ унга алмаштирардик.

Урмонларимизда йиртқич-

ларнинг кўплаб турлари учарди. Кўриб, кўзингиз қувонарди. Йўлбарс, силовсин, қоплон, айиқ, ёввойи мушук, бўри, тулки... Шохдор бугуларни, кийикларни, айтмайсизми. Урмон кўйчилари — каллик, булбулларни айтмайсизми. Бу бутун бир дунё эди. Лип-лип қилиб ўтганида, кўққисдан қаршингиздан чиқиб қолганида, одамнинг юраги ғалати уриб кетарди. Вужудингиз бу бойликни кўришдан масрур бўларди. Биласизми, шулар билан тоғлар, ўрмонлар кўрки, фойзи ўзгача эди. Бола-чақа, уй жиҳозларига тўлиб-тошиб кетган хонадонни тасаввур қилинг-у, бўм-бўш уйни кўз олдингизга келтиринг. 50-60 йилларда бирдан ишқибозлар кўпайиб, улар паллапартиш йўқ қилина бошладилар. Илонларнику билган ҳам, билмаган ҳам, кўрган-кўрмаган ҳам овлади, ўлдирди.

Рисқим ака бу гапларни жуда куйинчаклик, оғир бир ўртаниш билан гапирардики, мен ҳам аллақачонлар ваҳшийлик қурбони бўлган, тилсиз-забонсиз, ожиз жониворларга ачиниш кетдим.

Биз Рисқим ака тилга олаётган жониворларнинг фақат ойнаижаҳонда, ҳайвонот боғида ҳаракатсиз, атрофга бефарқ, зеркиб, кўзларини ярим юлганча ётган елфозда кўрганмиз. Шу сабаб, уларни ҳаракатда қузатган, болаларини силаб-сийпалаган, бир неча бор уларга юзма-юз келган Рисқим аканинг кечинмалари бизга бегона.

— Ов мавсуми яқинбадан бошланади. 15 сентябрдан. Ҳар йили ёввойи чўққаларни хоҳлаганча отиш мумкин эди. Бу гал фақат биттага рухсат берилиши браконьерларнинг кўпайишига сабаб бўлиши та-

бий, — дейди хўжалик директори Эргаш Ишметов. — Мен ҳар қандай овга қаршман. Чунки кейинги вақтларда ёввойи чўққалар ниҳоятда камайиб кетди. Емиш тополмаган бўрилар эса аҳолининг мол-ҳолига таъвоуз қилмоқда. Ҳозиргача ўндан ортиқ отлар уларга ем бўлди. Битта от 2-3 минг сўм. Энди отидан айрилган одамларнинг аҳолини бир тасаввур қилинг-а!

Ҳар йили баҳорда ИИБ ходимлари билан биргаликда «Лола» операциясини ўтказамиз. Бироқ «табиат шайдола-рининг етказётган зарарлари камаймаётир. «Саёҳатчиларнинг зиёни қонунда кўрсатилган жазима миқдоридан жуда катта. Улар ташрифидан сўнг ёнган дарaxтлар, бўш консервалар, синган шишалар, ифлосга тўлган булоқлар (баъзан заҳарланган) қолаётир.

— Қонунларимизнинг юмшоқлигини қаранг-да, — дея суҳбатга аралашди бош ўрмончи Карим Мошқалов, — ўрмончи 5 сўмгача, муҳандис 25, директор 30 сўмгача жарима солиш ҳуқуқига эга. Табиатни емирувчиларга қаттиқроқ жазо қўлламас эканмиз, ҳеч қачон бойлигимизни тўлалигича сақлаб қололмаймиз.

Ҳа, мустақилликка эришиб, бор давлатимизга ўзимиз хўжайин эканмиз, энди уни бир довуи ишқибозларнинг кўнгилочар эрмаги қилмай, кўз қорачиқдек авайлаб-асрашимиз лозим. Ваҳоланки, шундай йўқо-тишлар борки (масалан юқоридан тилга олинган йиртқичларнинг йўқолиб кетиши), унинг ўрнини ҳеч қандай пул билан тўлдириб бўлмайди.

Бундан ташқари хўжаликда қатор муаммолар мавжуд.

Давлатга сотиладиган бодом, ёнғоқнинг нархи 3-5 сўмдан ошмас экан. Олти тонна (қуруқ) топшириладиган етти хил доривор ўсимликларга қўйилган нархлар ҳам Хрушчев замонидаги. Ҳар бир ўрмончи эса маълум нормани бажариши шарт.

Урмончиларнинг ойлик маошлари 105-110 сўм. Компенсация билан қўшиб ҳисобланганда 165-175 сўм. Менимча, бозор иқтисодиётига ўтган эканмиз, ҳеч бўлмаганда, ёнғоқ, бодом, pistaнинг баҳоси ошсин. Тирикчилик деб юрганлар нари борса, топширажак мевалари орқасидан касасини оқартирсин.

Гапни қаласанг, гап чикаверар экан. Мана куни кеча Афғонистон, Туркия вакиллари келиб, хўжалик билан ўтин савдосини ташкил этиш хусусида шартнома тузишга розилик сўрашди. Эвазига кундалик эҳтиёж буюмлари ва газмоллар айирбошларкан. Балким бу йўл ўрмон ходимларининг кўнрагига тегадиган шамолдир.

Ким билан суҳбатлашмай, шундай бебаҳо бойлигимизни асраётган ходимлар заминимизнинг ҳар қарич ёри, кичик бир гиёҳи, тоши, жониворларини астойдил севишини, уни қўриқлашини сезиб, ниҳоятда қувониб кетдим.

Эртага ўз касбига чинакам меҳр қўйган ўрмон хўжалиги ходимлари кунни. Мен уларга, тоғу тошларда бир неча кунлаб қолиб кетганида хавотир олиб, доимо кўзлари йўлларга тўрт бўлиб кутадиган рафиқалари, болаларига соғу саломатлиги, омад тилайман. Ҳар бирига тоғдайдан бердош ва матонат сўраб, изимга қайтарканман, юзларидаги самимийлик, қоматларидаги виқор, сўзларидаги илиқлик бир умрга оҳанграбодек тортиб туришини ҳис этдим.

Мўҳаббат ИБРОҲИМОВА.

ГАРОВГА ОЛИНГАН ҲАЁТ

Тўғриси айтганда ҳаммамиз пул топаёлик, деб қимирлаб юрибмиз. Лекин бизлар икки тоифамиз. Биримиз ҳалол, пешона теримиз эвазига келган даромад билан бола-чақа боқшни, рўзғорда у-бу орттиришни афзал кўрамиз. Иккинчи тоифамиз эса ўзгалар ҳисобига яшашни одат билганлардир.

Бекобод тумани марказий касалхонасининг дам олиш зонаси қоровулхонасида беш нафар алп йигитлар бири олиб, бири қўйиб, гурунглашмоқда. Даврада бўшатилаётган шишалардан хўрозларнинг тобора шашти кўтарилади.

— У, йигит, ёшлиқда ўйнаб қолиш керак.

— Уй-й-наб қолиш учун чўнтакда соққа бўлиши керакми, йўқ-ми?

— Мана, Нигмат шўрликнинг қоровулчиликдан олаётган пулига қўйлак-иштон ҳам беришмайди. Ҳа-ҳа-ҳа.

— Жононлар ҳам ҳемиринг бўлмаса, қўлини тутқазмайди, оқаси.

— Ҳамма нарсанинг отаси пул. Фақат каллани ишлатиб, уни топиш керак.

— Худо эса калла билан ҳаммани сийлайвермаган.

— Мен Бекобод шаҳрида яшовчи бир оилани биламан. Кам деганда 50-60 мингги чириб ётибди. — Луқма ташлади Иномжон.

Бу рақам ҳаммани барабар сергаклантирди.

— Балки бизни интизор кутиб ётгандир.

— Қаерда туришини биласанми?

— Ҳар биримиздан ўн минг тешиб чиқмаса керак...

— Ҳозир қуролсиз иш қилиб бўлмайди.

— Қурол бор.

Бир зумда оғайниларнинг кайфлари тарқалиб, кўзлари олдига сўмлар оқиб кела бошлади. Анча маслаҳатлашувдан сўнг режа пишди.

Келишилган кун Баҳодир олиб қочиб Абдурахим Мадаминовнинг уйига яшириб қўйган «ВАЗ-21063» белгили уловда бешовлон йўлга тушди. Ином манзилгоҳ сари адашмай бошлаб келди. Соат тунги иккилардан ўтган. Ҳамма тинч уйқуда. Ажабо тун ҳам уларнинг ниятлари каби зимистон эди. Қора кўлакалар уловни кўзланган уйдан бериқоқда қолдиришди. Шарпалар иккита ов милтиғини қўлларига олишиб, аста дарвозага яқинлашдилар. Баҳодир дарвозадан олиб, ичкаридан оқиста очди. Кўзларига кўзойнак таққан Абдурахим Мадаминов ва Абдурахим Абдиллаҳақимовлар ҳовлида илондай ўрмалашди. Неъмат эшик ёнида пойлоқчиликка турди. Иномжонга қойил. Хоналарнинг шаклини беҳато чизгани учун қора соялар дадил ва адашмай ҳаракат қилишарди. Дахлизда ётган Зайнабнинг уйқуси зийрак экан, шартта бошини кўтарди. Аммо ниқоблар унга таҳдид билан ишора қилишиб, устига кўрпа тортидилар. Сўнгра оёқ учиди кейинги эшикка йўналишди.

Уйқуда ётган она-болани турғазлашиб, ўқланган милтиқни уларга тўғрилаб ўдағайлашди.

— Яшагинг келяптими, тилла-пилларни, пулларни яхшиликча чиқар. 20 минг нақд бўлиши керак.

Уйқусираганларнинг қайсарлиги босқинчилар асабини кўзгатди. Абдурахим Мадаминов ўғилнинг қўлини борламоқ ниятида ўзи билан олиб келган арқонни чўнтагидан чиқариб, олдинга қадам ташлади. Ўғлимни ўлдириб қўяди, деган гумонда она жон ҳолатда эрини чақирди.

Лекин чинқириқдан уйғонган турмуш ўртоғи Элдор ёстиги тағидидаги пичоқни олишга улгурмай Баҳодир останада пайдо бўлди. Уй соҳибининг мақсадини яшин тезлигида сезган зўравон тепага икки марта отди. Отаси ётоғида узилган ўқ ўғилни жунбушга келтирди. У ўзида пайдо бўлган ғайритабиий бир куч билан Абдурахим Мадаминовни итариб юбориб, падари томон интилди. Бу оний мuddат ота учун кифоя қилди. Сакраб ўрнидан турган Элдор Баҳодирдан икки қадам беридаги Абдурахим Абдиллаҳақимовни босиб олди-да, пичоқ ура бошлади. Воқеанинг бундай ривожини кутмаган Баҳодир ва Абдурахим Мадаминовлар саросимада қолдилар. Ўғил пайтдан фойдаланиб, эшикни ёпди.

Ҳаёт-мамонт учун кетаётган бу қонли дақиқаларда одамларни ёрдамга чақириб учун ҳовлига отилган Зайнабни Неъмат қўлидаги пичоқни ялтиратганча захархандалик билан кутиб олди.

Хонада уй соҳибаси, кўзлари қонга тўлган Баҳодир, Абдурахим Мадаминовлар, Гаровга олинган Абдурахим Абдиллаҳақимовни қўтқариш керак. Уни бу ерга қолдириб бўлмайди. Мушкул аҳволдан ғазаби қайнаган Баҳодир Зайнабни ваннага қамади. Мулоқотга киришди.

— Менга қара, чол! Айтилган пулни берасан ва шеригимизни қўйиб юборасан. Йўқса, хонавайрон қиламиз.

— Бу ердан чиқиб кетсаларингиз уни қўйиб юбораман.

Уй бекаси вазиятни юмшатиш ниятида бир даста пулни дахлизга отди. Чақирилмаган меҳмонлар ердан олсанг ҳам, санаб ол, деган нақлга амал қилишаркан. 500 сўм. Бу кам.

— Агарда қўйиб юбормансанг, мана бу алвастингни жаҳаннамга жўнатамиз. — Баҳодир шундай дея юқори га ўқ узди.

— Шерикларинг керак бўлса, дарҳол бу ердан кетинглар.

Қароқчилар айвонга чиқибди. Алланимани пичирлай бошладилар. Элдор ўғлига боқди. Лекин босқинчи қўйворишдан бошқа иложи йўқ эди. Чунки хотини ва жияни Зайнаб уларнинг қўлида. Бироқ шошилганини кейин англади.

— Эртага шу вақтга 20 мингни тайёрлаб қўясан. Қизчани гаров тариқасида олиб кетамиз. Қўнмасанг, милицияга айтсанг, уйингга ўт қўямиз.

Шартни қўйган жиноятчилар қандай кириб келишган бўлишса, шундай шарпасиз жўнашди.

Элдор вақтни қўлдан бой бермай ИИБга сим қоқди.

Дахшатли хабар нафақат шаҳар ИИБни, балки вилоят ИИБ ходимларини ҳам оёққа турғазди.

Кечасию кундузи қизнинг ҳаёти, нафақат ҳаёти, балки бутун бошли хонадоннинг ор-номуси қил устида турганини ҳис қилган милиция ходимлари неча ўнлаб тахминларни текшириб чиқдилар. Юзлаб одамлар билан суҳбатлашдилар.

Икки кун ўтгач, қизни Бекобод тумани марказий касалхонасининг дам олиш зонасида бўлиши мумкинлиги гумон қилинди.

ЖҚБ ходими милиция капитани В. Матмусаев, милиция лейтенанти У. Бекжонов, милиция сержанти Н. Пардаевлар гаровга олинган Зайнабни босқинчиларнинг чангалидан озод қилишга муваффақ бўлишди. Қизни «кўз қорачиғидек» асраётган икки жиноятчи қўлга олинди. Эндиги вазифа шериклари ушланганидан хабар топгунга қадар жиноий гуруҳнинг қолган аъзоларини ҳам тузоққа тушириш. Вақтдан ютқазилса, улар тариқдай ҳар томонга тарқалиб кетишлари мумкин. Аввало уларни чўчитмаслик керак. Босқинчиларни тутиш операциясига шаҳар ИИБ бошлиғи М. Маҳкамов раҳбарлик қилди. Воқеанинг учинчи кун жиноий тўданинг барча аъзолари ҳибсга олинди.

Баҳодир Аҳмедов, 1968 йилда туғилган, маълумоти 8 синф, ҳеч қаерда ишламайди. Муқаддам икки марта судланган. 1990 йилнинг декабрида фуқаро Э. М. га тегишли «ВАЗ-21063» белгили, автомашинани олиб қочган. Уловни А. Мадаминовникида сақлаб турган. Босқинчиликда ташкилотчи вазифасини бажарган.

Абдурахим Абдиллаҳақимов, 1968 йилда туғилган, маълумоти 8 синф, ҳеч қаерда ишламайди, оилали. Ушбу жиноятда ижрочи вазифасини ўтаган.

Неъмат Олимов, 1960 йилда туғилган, ўрта маълумотли, муқаддам икки бор судланган. Бекобод тумани марказий касалхонасининг дам олиш зонасида қоровул бўлиб ишлайди. Оилали. Жиноятда ҳам қоровул вазифасини ижро этган.

Иномжон Деҳқонов, 1964 йилда туғилган, ўрта махсус маълумотли, ҳеч қаерда ишламайди, судланган, оилали. Босқинчиликда йўловчи вазифасини бажарган. Ўқ овозларини эшитгач, жуфтани ростлаб қолган.

Абдурахим Мадаминов, 1956 йилда туғилган, ўрта маълумотли, муқаддам икки марта судланган, оилали, колхозчи. 16-калибрли қўшотар ов милтиғининг эгаси.

Босқинчилик ҳужумида иштирок этишдан олдин уйда сақланаётган олиб қочилган «ВАЗ-21063» автомашинасида 1991 йилнинг 8 январь кун Бекобод тумани Дзержинский номи жамоа хўжалигида яшовчи М.нинг қўйхонасида 3 бош қўчқорни ўғирлаган. Бирини сўйиб ёйди. Иккинчисини укасига бериб юборди. Учунчисини эса оғилхонасига қамаб қўяди.

Жиноят йўлидан бир-бирларини қайтариш ўрнига унга илҳомлантирган беш йигит тергов пайтида иложи борича оғирликни бошларидан соқит этишга тиришдилар. Аммо малакали ходимлар ҳар шахснинг қабихлигидаги вазифасини тўғри белгиладилар. Юзлаштирув ўтказилди. Суд ҳайъати ҳам ҳар бир босқинчининг ушбу жиноятда тутган ўрнини муносиб баҳолаб, турли мuddатларга озодликдан маҳрум этди.

Маълум сабабларга кўра жабрланувчиларнинг исмлари ўзгартрилди.

Турсуной МИНАВВАР ҚИЗИ.



ДАН ходимларининг юмушлари ҳеч қаерда ҳам енгил эмас. Улар ҳар бир уловнинг ҳаракати хавфсизлигига масъул. Шунинг учун ҳам автофалокатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар қандай шубҳали кўринган улов тўхтатилиб, ҳужжатлари, техник соғлиги кўздан кечирилиши лозим. Сирдарё вилояти Боёвут тумани ИИБ ДАНБ ходими милиция кичик сержанти Абдуназар Қанонов (юқоридаги сурат) йўл варақасини кўздан кечирмоқда.

Йўл барибир тасодифлардан холи эмас. Кутилмаган фалокат содир бўлиб қолса, бунинг ҳам ташвиши ДАН ходимлари зиммасида. Наманган вилояти милицияси автомобиль назорияти ходимлари (пастдаги сурат) милиция лейтенанти Шермухаммад Қодиров, милиция старшиниси Авазбек Худойбердиевлар воқеа жойида.

Ҳ. ШОДИЕВ ва Н. МАМАЖОНОВ олган суратлар.



ГЎШТДАН «ПЕПСИ-КОЛА»ГАЧА

Уйчи туманида шахсий мулкни ўғирлаш тез-тез содир этиладиган бўлиб қолди. Халқ орасига ваҳима оралади. Ўғирлик хилма-хил эди. 1990 йил сентябрь ойида туман марказида яшовчи И. Хаировнинг «Минск» белгили мотоцикли қўйиб бўлди. Шу йил 17 февраль кун қишлоқ хўжалигини техникалаштириш идораси ошхонасидан 133 сўмлиқ гўшт ва гуруч ўғирланган.

Бундан таъқари М. Исmoilованинг уйдан 1000 сўмлиқдан ортиқ кийим-кечак, Т. Нишононинг «Москвич» белгили машинасининг олдинги ойнаси, «Тарона» қаҳвахонаси омборидан 1 дона овоз кучайтиргич, 90 сўмлиқ «пепси-кола» ичимлиги, А. Отавалиевнинг уйдан Японияда ишлаб чиқарилган магнитофон ўғирланган. Буларнинг ҳаммаси қисқа вақт — апрель-март ойларида содир этилиб, ўғирларнинг ҳам анойилардан эмас эканидан далолат берарди.

Олиб борилган оператив-қидирув ишлар зое кетмади. Бу номаъқулчилик билан

шуғулланиб келаётган гуруҳ қўлга олинди. Мана улар: М. Абдуллаев — гуруҳ раҳбари, кечки ёшлар мактаби ўқувчиси. Ҳеч қаерда ишламайди. Б. Турғунов, А. Дадамирзаев, Е. Мирадиев — унинг ҳамтовоқлари. Уччаласи ҳам СПТУда ўқинишади. Улар тез-тез учрашиб туришган ва ўзаро тил бириктириб, 1990 йил сентябрь ойида «ов»га чиқадилар. «Иш»ни эса мотоцикл «миншдан» бошлашган. «Минск»ни Короскон қишлоғида 200 сўмга сотиб, пулни бўлиб олишади. Буёғи тўхтовсиз кетаверади. Уларнинг қамрови анча кенг эди. Нималарни ўмаринишмаган, дейсиз. Гўштдан «пепси-кола»гача. Телефондан овоз кучайтиргичгача. Уларнинг «шахсий ҳисоб»ларида ҳаммаси бор эди. Фақат тарбия йўқ.

Узоқ давом этган тергов ниҳоят яқунланди. Бу ишни туман ИИБ катта терговчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Қ. Мамажонов олиб борди. Ўғирлар айбларини бўйига олишди. **О. МАҲАМАДАЛИЕВ.**

устидан чиқди. Раҳимжоннинг: «Пичоқни ташла», — деган буйруғига Абдумалик ҳақорат билан жавоб қайтарди.

Уни чалғитиш лозимлигини сезган Раҳимжон таҳлика қилди.

— Орқанга қара! Отаиң болта билан келяпти.

Абдумалик ўғирлиши билан Раҳимжон ўқдай сакраб, унинг қўлини қайирди.

Ароққа пул бермагани учун отасини ўлдирмоқчи бўлган нобакор ўғил Ўзбекистон жумҳурияти ЖМнинг 204-моддаси 3-қисми ва 210-моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилди.

Абдул ҲАКИМИЙ.

НОБАКОР

Тун. Қизилтепа қишлоғи аҳолиси ширин уйқуда. Олтариқ тумани ИИБ хуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи Р. Бовчонон хонадонидан телефон жириқлади.

— Қўшнимиз Абдумалик Латипов ғирт маст. Қўлидаги ошпичоқни қўни-қўшинларига ўқталиб: «Улдираман!» — деб бақиряпти.

Кимдир Беруний кўчасида юз бераётган воқеа ҳақида шоша-пиша хабар қиларди. Р. Бовчонон мотоциклига ўтириб, жанжал бўлаётган жойга йўл олди. Ҳовлида безори отасини қувиб юргани

Муҳаммад елиб-югуриб, икки кун деганда Игорнинг шахсини аниқлади. Унинг фамилияси Бальсин бўлиб, 1933 йилда туғилган. Шундан кейин ИИВдан қўшимча оператив ходимлар берилди. Улар воқеа содир этилган жойда текширув ишларини бошлаб юборишди. Бу орада Игорь Бальсин орқасидан назорат ўрнатилиб, кўп ўтмай қўлга олинди. Унинг уйида олиб борилган тинтўв пайтида 300 граммга яқин наша топилди. Орадан бир кун ўтиб, 19 август кун Б. Норов, М. Отабуллаев, Б. Қамбарбеков, Б. Зикиряевлардан иборат гуруҳ Пахтакор шахрида балиқ дудлаш заводи ишчиси Валерий Кудряшев деган шахсни қўлга олди. Бу пайтга келиб кўп нарсалар аниқ бўлиб қолган эди.

Шу йилнинг 28 июль куни кечга яқин Игорнинг кўк машинасида Валерий иккаласи Тузкон кўли соҳилида жойлашган чўчкахонага келишди. Игор ҳам Оносовга ёланиб ишлаётган эди. Иккаласи келишишган бўлиб, Оносов унга ойига минг сўм тўлар, Игорь машинаси билан чўчка гўштини у ер-бу ерга олиб бориб, сотиб келарди. Кейинги ойда келишмовчилик юз берган шекилли Оносов унинг ойлигини бермаган ёки кейинга сурган, ишқилиб шунга яқин гап бўлиб ўтган орадан. Хуллас, у ҳаммасини Валерийга бориб айтади. Иккаласи Оносовни қўрқитиб пулни олмоқчи бўлишади. Келишдан мақсад ҳам шу эди. Муомала барибир юришмади, Оносов: «Мен кечкурун пул бермайман», — деб туриб олди. Ингитлар улар кўриб ўтирган телевизорни машинага солиб: «Буни гаровга олиб кетамиз», — дейишди. Сергейни ҳам олиб учаласи кетди. Аллақайларга бориб, туни билан ичиб, эрталаб соат бешлар атрофида яна йўлга тушишди.

Уша машғум сахарда ҳар доимгидек хизматчилар ҳам, Оносов ҳам эрта турди. Кўк машина келиб тўхтаганда, Ҳасанов Рашид, Валиаҳметова Ландиш, Лисенко Илья, Кара Валентиналар чўчкаларга қарашаётган эди. Атрофда ҳар доимгидек сукунат. Яқин ўртада тирик жон зоти кўринмайди. «Бундай тунда ўғирлик қилгин келадилар» — дейди бир фильм қаҳрамони. Шундай ўрганиб қолганлар борки, бундай ҳувиллаган жойда қотиллик қилгиси келадилар. Албатта, Оносов ҳам, бошқалар ҳам бундан беҳабар. Машина тўхтаб, ичидан Валерий ва Сергей тушди. Оносовни чақириб, уйчага кириб кетишади. Игорнинг кўргазмаси бўйича шундай. Алексей Кузововники эса сал бошқачароқ. Унинг таъкидлашича, у ташқарида қолган, Сергей ва Игорлар ичкарига кириб кетган. А. Кузовов кирганда Оносов улар иккаласига милтиқ ўнглаб турган эди. «Бирдан сездимки ўлдирини»

(Охири. Боши ўтган сонда).



ТУЗКОН СОҲИЛИДА МУРДАЛАР ГУЛХАНИ

керак. Пайт пойлаб шу ерда турган болтачани олиб, у билан Оносовнинг миясини мажлаб ташладим. Кейин қолганларни йўқ қилишга тушдим. Кимга керак ортиқча гувоҳлар?» Иккала айбдорнинг кўргазмасида фақат шу — уйга ким кирганлиги борасида фарқ бор. Қолгани деярли бир хил.

Валерий Оносовни ўлдирганидан сўнг довдираб қолмади. Урганиб кетган. Эски касби. Ерда ётган милтиқни олди. Челақда ўқлар бор экан. Чўхтагига солиб, ташқарига чиқди.

— Қани ҳамманг вагонга кир. Тез бўлинглар, дейман. — ишчиларга дўқ ура бошлади.

Ильяга эса бу ёқмади. Дўқни ростаканга эканини билмади ёки мардлиги тутди. Челақни тўнкардю, устига ўтириб олди.

— Бормайман.

Валерий ҳазиллашмаётган эди. Унинг пешонасидан отиб ташлади. Илья тил тортмай ўлди. Қолган учаласи гап-сўзсиз уйчага қочиб кирди. Бу орада Валерий милтиқни қайтадан ўқлади ва уларнинг орқасидан бориб, Рашидни ҳам отиб ташлади. Эрининг (конунис) ўлганини кўрган Ландиш қўрқувни йўқотди.

— Мени ҳам от энди!
(Ҳа, мардлиқ фақат кинолардагина бўлмайди).

Валерий унга ҳам шафқат қилмади. Бир ўқ билан Лан-

диш йиқилди.
Узини йўқотиб қўйган Валентинага ҳам бир ўқ кифоя қилди.

Валерий ташқарига чиқиб Сергейга буюрди:

— Ҳой, анавини судраб кел бу ёққа.

Сергей унинг топшириғини сўзсиз бажарди. Ильянинг жасадини судраб келиб, остонага қўйди. Орқасига қайтган жойида Валерий уни ҳам отиб ташлади. Энди у улфат эмас, ўртоқ эмас. Ортиқча гувоҳ, холос. Ҳаммаси тинчигач, Игорга машинадан бензин олишни буюрди-ю, уйга ҳам, машинага ҳам бензин сепиб, ёқиб юборишди. Бир зумда ҳаммаёқни олов қоплади. Олдин жасадаларнинг кийимлари, кейин эса ўзлари ҳам ёна бошлади. Мурдалар гулхани чирсиллаб жуда узоқ ёнди.

Барибир одамзот ҳайвонларнинг ичида энг ваҳшийси.

Нафақат шахсининг, балки одамнинг қадри вақт ўтган сари пасайиб бормоқда. Менинг фикрларим кимларгадир эриш туюлиши мумкин. Одамнинг нархи жуда тушиб кетди. Тўғри инсон ҳаётини пул билан ўлчашнинг ўзи аҳмоқлик, лекин минг ёки икки минг сўм пул олти кишининг ҳаётига тенгми? Алам қилади. Семизроқ бир қўйнинг нархи-я. Бу ўта мудҳиш, ўта жиддий оқибат жиддийроқ сабабники бўлса ҳам гўрга эди. Арзимаган маош учун... Янаям бу ёғини

тергов аниқлайди.

Тергов ишларини Арнасой тумани прокурори А. Аъзамов ва вилоят прокуратурасининг бош терговчиси Б. Ортиқбоевлар олиб боришайпти.

Узини Валерий Кудряшев деб танитиб юрган кимса, аслида 1988 йилдан буён бутуниттифоқ қидирувидаги Алексей Кузовов бўлиб чиқди. 1964 йилда туғилган. Икки марта судланган. 1988 йилнинг ноябрь ойида одам ўлдирган ва яширинган. 5-қаватдан йиқилиб ўлган (балки ўзи итариб юборгандир) бир йигитнинг паспортига расмини ёпиштириб олган ва шу билан Кудряшев бўлган қўйган. Айни пайтда унга Ўзбекистон жумҳурияти ЖМнинг 80-модда 4, 6, 8, 9-бандлари бўйича айблов эълон қилинган.

Бировга кесак отсанг, тош бўлиб қайтади, дейди одамлар. Ўйланиб қоламан. Оносовнинг ўзи бир вақтлар қотиллиги учун қамалиб чиққан экан. Энди эса бошқа биров унинг қотили сифатида қамалайпти. Қайтар дунё, деб шунини айтишса керакда. Илья ва Валентиналар ҳам муқаддам судланган экан.

Қизил «Москвич» ҳам топилди. У Оносовдан мунтазам гўшт олиб турадиган одамнинг машинаси экан. Уша кунни ҳам гўштга бориб, «кабоб»нинг устидан чиқиб қолган. Улар борган пайтда уйча ёниб бўлай деган экан. Тўғри улар нима ёнаётганига эътибор беришмаган. Қолаверса, кучуклар ҳам уларни машинадан тушишга йўл қўймаган. Кейин балиқ дудлаш заводига бориб айтишган, бир вагон ёнибди, деб. Улар қўл силташган. Бу одатий ҳол.

«Чўлга соғ одам кам келадилар». Бу менинг гапим эмас.

Халиги олти кишига барибир ачинасан киши. У ёқда — чўлда, ҳувиллаган даштда яшаш инсоннинг яшашидек эмас. Ҳеч бўлмаганда ўлимлари... Шундай пайтларда ўйланиб қолсан, одамзот ўз қиёфасини йўқотиб бораёпти шекилли. Ахир, ҳайвонлар ҳам бунчалик ваҳший эмас... Мана тонг ҳам ёришиб келаяпти. Янги куннинг бўсағасида ўлиб кетиш барибир алам қилади. Бунинг устига арзимаган «ортиқча гувоҳ» сифатида.

Исмоил ШОМУРОДОВ.



КИМ НАФ КЎРДИ?

Бир замоңлар қайсидир элнинг подшоҳи салтанатида аёл киши ўтирган бошқа бир подшоҳликка уруш очмоқчи бўлиб, элчи юборибди. Мамлакат шоҳи — аёл элчиларга шундай дебди: «Майли, уруш очаверинлар. Лекин сизларнинг қўлингиз баланд келса, яхшилар устингиздан куладилар, аёлга кучи етибди».

Тошкент вилояти Оққўрғон туманилик савдо базаси Эрқул Умаров билан унинг турмуш ўртоғи Инобат Умарова ўртасида «элчилар» сиз бўлиб ўтган «жанг» икки томонга ҳам жисмоний, ҳам руҳий зарар келтирди.

Инобат фарзандлари билан телевизор кўриб ўтирган эди. Эри келиб бошқа тўлқинга буради. Инобат эса ўрнидан туриб, яна Ўзбекистон дастурига қайтарди. Эрининг эр-

лиги тутди, хотиннинг қайсарлиги. Қарс икки қўлдан чиқди. Икки ўртада пилла учди, коса синди, шўрва тўкилди. Кейин... хотиннинг юз-кўзи кўкарди, эр қора курсига ўтирди...

Эр-хотиннинг уриши — дока рўмолнинг қуриши, дейшарди. Йўқ, ундай бўлмади. Оққўрғон тумани халқ суди ҳукми билан Эрқул Умаров шартли равишда бир йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, мажбурий меҳнатга жалб қилинди.

Мана, «қўшқўкиз» жанжалининг оқибати. Ким фойда кўрди, қайси томон ниятга етди? Аёл кишини уриб, «кўнгли жойига тушган» эрми ёки «бир ёмонга бир эҳсин» мақолини унутган хотин?..

Маҳкам ҲАКИМОВ.

13 ёшли Ҳасанбой Чуст туманининг Варзик қишлоғидаги сув омбори атрофидаги ўтлоқда қўй боқарди. Кечга яқин қўйларни қайтармоқчи бўлиб турган ҳам эдики, бир автомашина ёнгинасига келиб тўхтади. Ҳасанбой мол дўхтири бўлса керак, деб тахмин қилди. Улар бир қўйни бағиллатганларича машина юкхонасига тиқинди-ю, жўнаб юборишди. Болакай анча наригача ўғриларики кетидан югуриб борди. Довдираб қолгани учун у уловнинг на рақамига, на бирор белгисига разм солмаган экан. Отаси ҳам фарзандини кўп койи мади. Болада. Кунлар ўтиб, воқеа эсдан чикқай деганда...

Бу сафар «мол дўхтирлари» иккита «ҳамшира»лари би-

«МОЛ ДЎХТИРЛАРИ»

лан ташриф буюришди. Машинадан тушган «текширувчилар» алағлаб, ёш, содда қўйбоқарни қидира бошлашди. Лекин бугун унинг ўрнида 9 ёшли Нурилло эди. Улар катта қўқорни юкхонага амаллаб тиқинди-ю, дарров жуфтакни ростлашди. Бироқ Нурилло Ҳасанбой билан юз берган ҳодисани эслаб сергак тортганди. У вақтни бой бермай қўлда ўйнаб юрган чўзмасига тош қистирди-ю, машина ойнасини нишонга олди. «Ўқ» мўлжалга тегди. Мол аччиғи, жон аччиғи деганларидек ҳайдовчи шартта тормоз берди. Шу сабаб шамол улов-

нинг давлат рақамига ёпиб қўйилган латтани кўтариб юборди. Боланинг нигоҳи кейинги икки рақамга тушди. Чўпон чўзмасига иккинчи тошни қистираётганини кўрган ўғри қандай шахд билан тўхтаган бўлса, шундай аснода ўридан қўзғалди.

Милиция майори А. Бойматов, катта лейтенант М. Йўлдошев, капитан Жўраев, лейтенант С. Аҳмедов, сержант Ф. Абдураззоқовлардан иборат оператив гуруҳ учун сурбет ўғрилари топиш унча қийин бўлмади. Бу ўрида зийрак Нурилло таҳсинга сазовордир.

Н. МАМАЖОНОВ.

Шанба учрашувлари

УНИНГ СЕВГАН МАВЗУСИ

БОЛТАЧА



Нормамат Тогаевнинг журналистик фаолияти 1960 йилдан бошланган. Шу билан бир қаторда бадий ижод соҳасида ҳам қалам тебратиб келмоқда. У ССЖИ журналистлар уюшмасининг аъзоси. Журналист, ёзувчи, ҳажвчи, фельетончи деган номларга эга. Ижоднинг намуналари тўпламларда чоп этилган. «Муҳаббат довони» қиссаси асосида тайёрланган видеофильм Ўзбекистон телевидениеси ор-

қали намойиш этилган. Асарлари нашр қилиниш учун «Камалак» нашриётига тақдим этилган. «Наштар», «Телевизон миниатюралар театри», «Табассум» ҳамда жумҳурият рўзнома ва ойномаларининг фаол муаллифларидан. «Ҳалоллик соврини учун», «Карим пиён ҳовлисида...», «Ҳисоб очилмади», «Ароқхурлар учун ритмик гимнастика», «Шапка», «У ҳамон олаятти» ва бошқа ҳажвия-

ларида сеvimли мавзуси — милиция ходимлари фаолиятини акс эттиришга ҳаракат қилган.

Н. Тогаев ҳозирги кунда Қашқадарё вилояти овозингорининг «Шунчаки ҳазил...» ҳажвий ойномасининг мута-сиддисидир.

Тилагимиз Н. Тогаевнинг ижоди янада баракали бўлаверсин. Асарлари билан кулганларни кулдириб, куйганларни ёндириб юраверсин.

(ҲАЖВИЯ)

Завод бошқоми (директори) қороздан бошини кўтариб, қувноқ, ҳайрон нигоҳ билан менга тикилди.

— Нима дедингиз? — такрорлаб яна сўради у қувончини зўрага яшириб.

— Одамларингиз бугун эрталаб болтачамизни ўғирлаб кетишибди! — такрорладим мен.

— Бўлиши мумкин эмас! Бизнинг одамлар? Болтачани-я?

— Афсуски, бу ҳақиқат. Болтача қозонхонага яқин жойда ётган экан. Одамларингиз ўша ердан ўтаётди, уни олиб кетишибди. Гўлахи (ўт ёқувчи) кўрибди, лекин уларни қувиб етолмабди...

— Бошқа ҳеч нарсани ўғирлашмабдими? — ҳаяжонланиб гапимни бўлди хона эгаси. — Фақат болтачани олишибдими? Фақат шу кичкинагина болтачани-я?

— Болтача, лекин жудаям кичкина эмас, — гапини тўғриладим фиғоним чиқиб. — Биз уларга ўтин кесаётгандик. Болтача эса бизнинг гарданамизда турибди. Йўқотиб қўйсак, нархини тўлаймиз. Айтиб қўяй, саксон икки форинт туради.

— Жуда соз! — хитоб қилди бошқон. У стол ёнидан салчиб турди ва қувончи терисига сиғмай хонада гирдикапалак юра бошлади. — Жуда яхши! Йигитлар болтачани ўғирлашибди! Фақат болтачани холос!

У оёқларини ғалати-жумбоқли ташлаб, атрофимда айланди. Чамамда, ақлдан озиб қолган кўринади. Кейин у тўхтади, елкамдан маҳкам ушлади ва завқлаиб қичқирди:

— Биласизми, бу нима дегани, қадрдон дўстим?!

— Биламан, — жавоб қилдим мен. — Ё болтачамизни қайтариб берасиз, ё мен полицияга мурожаат қиламан.

У қўл силтади:

— Бу ўнинчи масала! Мухими — моҳият. Одамларим онгида кескин сифат ўзгариши юз берибди. Илгари улар ўғирлик қилганларида, майда-чуйда нарсаларга қўл уришмасди — заводда ҳам, унинг ташқарисида ҳам катта нарсаларни ўмарिशарди. — Сиз индамасидингиз? — жаҳлим чиқиб сўрадим ундан.

— Нега индамас эканман? Ишонтириш ва тушунтириш усулидан фойдаланардим. Менга қийин эди! Мана ўша усулим дастлабки меваларини берибди — болтача! Тушуняпсизми? Улар майда ўғирликка ўтишибди! Улар миқдорни камайтиришибди! Агар бу соғлом жараён давом этса, бир неча йилдан кейин улар ўзларининг бўлмағур одатларидан тамомла қутулишади. Болтача — янги босқичнинг бошланиши...

Шу палла телефон жиринглади. Бошқон стол олдида дарҳол учиб бориб, дастакни кўтарди:

— Алло!.. Ҳа... Нима?! Цехдаги ҳамма жиҳозларни шилиб кетишибди? Эчкисмон кўтаргичини? У ерга улар... эҳ, дарвозани синдириб... Болта билан? Тушунарли.

Русчадан Пиримқул ДУСТМАМАТОВ таржимаси.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

ЧОЙХОНАДАГИ СУХБАТ

— Кеча Норқизилни театрда отиб қўйишибди.
— Артист Норқизилними?
— Ҳа-да!
— Ким отибди.
— Полиция деган одам отганмиш.
— Сабабини билмадингизми?
— Аниқ билолмадим-у, лекин аллақандай йўлчи деган одам билан адаштириб отиб қўйганмиш, деб эшитдим.

ҚАСОСКОРЛАР

Хўжалик киночиси бош ҳисобчи ҳузурига кириб деди:
— Эртага ўзимизга «Қасоскорлар» келади. Жуда зўр! Шунинг радиозелдан эълон қилиб қўймоқчийдим.

Ҳисобчининг кўзлари олакула бўлиб кетди:

— Қасоскорларнинг келишини радиозелдан эълон қилишининг нима ҳожати бор. Ҳозироқ милицияга хабар бериб қўйиш керак!

ТАБРИКЛАЙМАН!

— Кечирасан, дўстим, мен ҳозир ичмайман. Ишонгин, кечқурун ролга чиқишим керак.

— Э, ҳали машинаям олдингми, ундай бўлса, табриклайман!

ЎН БЕШИ ҚОРОНҒУ...

— Учрашувга ҳар ўн беш кунда бир келасиз, — ўпкаланди қиз йигитга. — Шу ҳам севишиш бўлдими?
— У ёқдан ўн беш кунсиз бўшатишмаса, мен нима қилай, — юпатди йигит, — ой-

нинг ўн беши қоронғу, ўн беши ёруғ, деган нақлни эшитмаганмисиз?

— У ёқ деганингиз қаер?
— Ҳушёрхонада.

ЧИРИМАГАН ОЛМАЛАР

Қишлоқ чойхонасида тўрт-беш қария чойхўрлик қилишиб, суҳбатлашиб ўтиришарди. Шу пайт кириб келган киночи чолларга юзланиб деди:

— Отахонлар, бугун «41-йил олмалари»ни келтирдим. Кечқурун сизлар ҳам клубга бориб кўрингизлар.

Чоллардан бири ҳамроҳларига қараб ажабланди:

— Тавба, умрим боғбонлик билан ўтиб, олманинг бир йилдан ортиқ турганини ҳечам кўрмагандим. Қирқ биринчи йилнинг олмаларини ҳозиргача қандай чиритмасдан сақлашди экан-а?!

БОШИМИЗ ҚОТДИ

Қози: — Сизларга уч ой муҳлат бераман. Шу фурсат ичида ярашиш ҳақида яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўрингизлар.

Эр-хотин (бараварига): — Бизга ҳеч қандай муҳлатнинг кераги йўқ. Турмуш қўрганимизга икки ой бўлди-ки, шундан бери бу ҳақда ўйлайвериб бошимиз қотиб кетди.

ОБРАЗГА КИРИШ

— Нега спектакль қўйилдиган пайтда ичиб келдингиз? — танбеҳ берди режиссёр тутоқиб актёрга, — ахир, бу аҳволда саҳнага қаёндай чиқасиз?!

— Парво қилманг, — қўл силтади актёр, — барибир ичувчи ролида чиқаман.

Нормамат ТОҒА.

ОНА ФАРЁДИ

Шоир Сирожиддин Сейдовнинг Афғонистонда ҳалок бўлган расмон йигит Сирожиддин Тўраҳужаев хотирасига бағишлаб ёзган «НОМ» номли мақоласининг ўқиб («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» 1989 йил 14 апрель).

Тобутингни, болам, қучиб йиғлайман. Бошимдан эс-ҳушим учиб йиғлайман. Ўз-ўзимдан сўзлар бичиб йиғлайман. Юзим кўролмаган, жоним болам-ов. Энди мен-а, болам қандоқ қиламан. Давраларда қандай ўйнаб куламан, Ахири дардингда бир кун ўламан. Даврий суролмаган, жоним болам-ов. Қарадим, эрисин тоғларнинг тоши, Кун кўрмасин ҳеч замоннинг боши. Заҳар бўлсин, болам қотилнинг оши, Огуларга мени солган болам-ов. Севган қизинг келиб, қуйиб йиғлайди, Суратингни энанг суйиб йиғлайди, Укагинанг кўксин тилиб тиглайди, Қирқ битта жонимни олган болам-ов. Минг бир томиримда азоб қақшайди, Кўксимда бир умр азоб яшайди. Хатолар, болам-а, ошин ошайди, Бағримдан бунёдим, жаҳоним болам. Келинга аталган сеплар қолди-ей, Ўлмаган бу жонни азоб олди-ей, Олибон ғам тўла жомга солди-ей, Ой-юлдузсиз қолган осмоним болам. Насибангни ўзинг келиб емадинг, Сени олиб келишди, ўзинг келмадинг. Йиғламанг жаҳоним — энам, демадинг. Ҳажрида энасин бўзлатган болам. Юрагимда олов ёнса нетайин, Келгин, болам, ўзим гўрга кетайин, Синглинг акам қани, деса нетайин, Хатоларга ўзин кўзлатган болам, Севганингни у кун тўйи бўлди-ей, Оппоқ орзуларнинг ўйи ўлди-ей, Косамга қайтадан қонлар тўлди-ей, Кутганин қайтадан ўлдирган болам. Афғонлар юртида қонинг тўкилди, Қувончим бағримдан тигсиз сўкилди, Чорбоғимда, болам, қаргалар-к кулди. Узи-ей кулмайин, кулдирган болам. Дод дедим устимга қуласин тошлар. Йиғладим, қуриди кўзимда ёшлар, Айрилиққа қандоқ берайин дошлар, Айрилиқ ўтига отган болам-ов. Тоғлардан лолалар терсанг нетарди, Юзларингдан ўпсам армон кетарди, Сендан бир ном қолса ярам битарди. Дардларга қайтадан сотган болам-ов.

Оналар қарғиши замонни тутди, Уларнинг қувончин фарёдлар ютди, Ун беш минг йигит оламдан ўтди, Қизларни қақшатган асов йигитлар. Ойгул УБАЙДУЛЛА қизи.



ЕШ РАҚҚОСА.

Ҳақимжон СОЛИХОВ олган сурат-лавҳа.

МУСАҲҲИХ АДАШДИ

Олий қазо. Яширилган чоллар сотувчининг уйидан топилди. Викофилим. Ариқни симирди. «Ўғлини қароқчи урди». Нарх-даво ошмоқда.

Юлғич бармоққа илинди. Ўғриларнинг латтаси қўлга тушди. Абдуазиз Ҳошимов, Каттақўрғон шаҳар маданият бўлими ходими.

Мухаррир ўринбосари
Гайратжон
БОЛТАБОВЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Ташкент, Лопатин кўчаси, 1.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси 700083, Ташкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,
муҳаррир ўринбосари — 39-77-23,
37-23, 46-56 (ички).

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республики Узбекистан 26939 нусхада чоп этилди.